

Хумулий, Жумакули ибн Сўфий Тагойи турк Ургутий Самаркандий (19-аср) — шоир ва ёзувчи. Бухоро амири Насрулло (1827—60) даврида Ургутда козилик килган. Ўзбек ва тожик тилларида наср ва назмда ижод этган, тарихий асарлар ҳам ёзган. Замондош олим ва шоирларнинг таржимаи холини ёзиб колдирган. Хумулийнинг «Тарихи Хумулий», «Манзумоти тарихий», «Шох ва гадо», «Девони Хумулий», «Шайх Мусохон ад-Дахбидийнинг таржимаи холи» каби асарлари бор. «Тарихи Хумулий»да баъзи бир дарвеш шайхларнинг таржимаи холидан ва мангитлар сулоласи тарихидан маълумотлар келтирилган. «Манзумоти тарихий» асарида эса 1870 йили содир бўлган тарихий воқеалар шеър билан баён килинади.

### ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

Баски заъф этти фирокинда таним монанди хас,  
Бўлмайин барбод деб каттиг чека олмон нафас.

Бовужуди шохлиг султонга даъвийи камол,  
Уй тубуги тож ила шохинлиг этмоқдур хавас.

Поклар макбули боз ўлди саёхат файзидин,  
Истикомат бобидин мурдорлиг кўрди хакас.

Зоти ноқобилга килмас суҳбати доно асар,  
Бўлса эшшак гарчи Исо маркаби бўлмас фарас.

Не ажаб донодин афзун бўлса нодон рўзиси,  
Ким хумо сўнгақдин айлар куту шаккардин магас.

Ахли дил хомушу даъвийи дастгоҳ пуч магз,  
Шеваи гавхар сукуту нолаи охинг жарас.

Гам гиребонимнй тутса, ман тутай ҳам доманин,  
Сокиё, сен жом туткил, хар қачонким дастрас.

Чок-чок ўлгон танимда хаста кўнглим шевани,  
Элни нолон куш каби килмиш жахонни бир қафас.

Турк ашъори Хумулий вусъати сўз ахлига,  
Мовароуннахр мангит Шахрисабзу кенагас.

\* \* \*

Бу шубхалиг замонда, бешубха мол канда?  
Эй подабони мискин, оши халол канда?

Мамлу харомдиндур етти фалак табаки,  
Ерда халол сўрсанг, дандон хилол канда?

Исён сулукидин пир колгил демас муридин,  
Тоат юкин чекорга зохидга хол канда?

Кохил йигит этордин вакти намоз тоат,  
Аммо гунах килурдин кори малол канда?

Саййидин хор килди кизб ахлини кароси,  
Бу юз каролар ичра рухсори ол канда?

Фасли хасаб ёшунди охирзамон элидин,  
Охунду хўжа кўптур, мулло жалол Канда?

Хум пирининг, Хумулий, дайр ичра бил ганимат,  
Масжид элинда мундог сохиб камол канда?

\* \* \*

Оразин кўргач, килурман лаълидин согар тамаъ,  
Айлагондек равза богини кўруб кавсар тамаъ.

Бўлма кўп дунёга толиб, ибрат ол хуршеддин,  
Ким чикар ўт чашмасидин токи бўлди зар тамаъ.

Тожи заррин, хилъати.симин билан ўртанди шам,  
Холи равшандур бировким килди карру фар тамаъ.

Софдиллиг истасанг бу бахр аро хомуш бўл,  
Лозими хифзи нафасдурким килур гавхар тамаъ.

Ким аёғ остига тушди бетакаллуф шохдур,  
Хоки рах бўл накши подек айласанг афсар тамаъ.

Иста нохожат кишидин гарчи мунъимдур карим,  
Эй Хумулий, хор этар чунким кишини хар тамаъ.

\* \* \*

То қачон давроида бизни хоксор этгай фирок,  
Заррадек музтар, куюндек бекарор этгай фирок...

Неча хижрон даштида кон кўзларимдин окузуб,  
Доги хасратдин танимни лолазор этгай фирок.

Васл боги чун хазони хажрдин эмин эмас,  
Окил ул девонадурким ихтиёр этгай фирок.

Ор этиб мандин кочинг, ахбоб андин бурноким,  
Сизни хам мен зордек бенангу ор этгай фирок.

Мудхиш ахволимни кўрса девдек гам даштида,  
Гулдин одам каби мандин фирор этгай фирок.

Неча ул сарви сихи шояд гузор этгайму деб,  
Юз сорига кўзларимдин жўйбор этгай фирок.

Муждаи васли учун жон бердиму ёд этмади,  
Шояд ўлгандин кейин уммидвор этгай фирок.

Эй Хумулий, чой учун токай самовор уйидек,  
Ут солиб жонимга охимдин шарор этгай фирок.

\* \* \*

Йўкки анжум дурларидин гавхар афшондур фалак,  
Бош-оёги кўз бўлуб, холимга хайрондур фалак.

Кахкашон эрмаски хар тун то сахар бедодидин,  
Оташин охим билан дасти гиребондур фалак.

Эрта меҳр афшон килиб, окшом пушаймондур бу ким  
Пой то сар пушти дасти захми дандондур фалак.

Бўлмаса махзул юзидин меҳри анжум тарх этиб,  
Кундуз оташбоз, тунлар пахта паррондур фалак.

Борса бир комил, килур, оламда минг нокис аён,  
Мухр олиб анжум сотарга эски дўкондур фалак.

Бир куёш бедодидин титрар таним симобдек,  
Ким бошидин чарх уруб афтону хезондур фалак.

Умр даврони, Хумулий, килди кўнглумни синук,  
Оре, каттиг донага кургон тегирмондур фалак.

\* \* \*

Мен эрурманким чекарман чархдин шому сабох, ~  
Юз жафову гуссани кўрмай элидин бир фалох.

Мунисим факру, рафиким хузну, комим дарду гам,  
Мушфиким ахли залолат, душманним ахли салох.

Мумтанеъ рохат аруси, мумтазиж золи михан,  
Махрамим бул бесабаб, аммо талок ул беникох.

Хосилим яъсу, умидим васлу, бахтим вожгун,  
Захри котил жомима тушган замон жонбахш рох.

Шохи икболим нишебу, беҳи идборим фароз,  
Пухта килган ишларим хом, эхтимомим ифтитох.

Мансаби дину хилофатга каламкашлиг шиор,  
Козидин хасмим юзига юз башорат минг марох.

Ёлбориб юз минг тааб бирлан малаксиймолара,  
Телба ит сен деб, Хумулий, килмадилар истилох.

\* \* \*

Ёр ила хилватни доим илтижо айлар кўнгил,  
Бу на жохилдурки, даъвои хало айлар кўнгил.

Сарвдек раъно кадидин муддате озод эдим,  
Ёна сунбулдек сочига мубтало айлар кўнгил.

Хар пари хуснин таманносида ўзидин бориб,  
Бора-бора ўзни качкўли гадо айлар кўнгил.

Гарчи кўнглумни кўруб лаълин кизил кон килди кўз,  
Эмди кўрмай оразин юзин каро айлар кўнгил.

Йикмасун деб кўйида кўнглумни заъфу зорлиг,  
Комати ёдида охимдин асо айлар кўнгил.

Эйки, йўлунгда окарди интизорингдин кўзум,  
Келки, хоки максадингни тўтиё айлар кўнгил.

Эй Хумулий, чун киройи акл эмас асбоби жох,  
Эмди дунё сайдига ўздин киро айлар кўнгил.

\* \* \*

Хусни баркидин яна яхши-ямонга тушти ўт,  
Кайси яхши, кай ямон, икки жахонга тушти ўт.

Комати шавкида хушк ўлган танимдин нолалар,  
Тонг эмас ул шамъдин бу найситонга тушти ўт.

Секратиб кўк тавсан узра оташин хўюммудур,  
Ё узори ламъасидин осмонга тушти ўт.

Карриларга ишк ўти барнодин афзун кор этар,  
Сабзадин ортик кўяр чунким самонга тушти ўт.

Сабзаи хат бирла гулрухсор кўргузди магар,  
Ким бахор айёмида фасли хазонга тушти ўт.

Оташин гул демаким булбул шарарлиг охидин,  
Ўртониб гулбун саропо гулситонга тушти ўт.

Эй Хумулий хам бўлуб каддинг бу пулдин ўтмадинг,  
Эмдиким аввал гами озурда жонга тушти ўт\*

\* \* \*

Бемухаббат булхаваска нўши согардин на хаз,  
Майга тушкон хармагасга рохи ахмардин на хаз.

Илм Касбидин гаронбор ўлса нодон важхи бор,  
Кўзаи хамёнга охир сийм ила зардин на хаз.

Билмаса тонг йўк хароми лаззати кути халол,  
Хисси модарзодга ёри суманбардин на хаз.

Бу саодат курбати абрордин файз истама,  
Бу Лахабга нисбати поки паямбардин на хаз.

Симу зар жамъ айладинг нури сафодин уз кўнгул,  
Юз каролигдин дигар мирзога дафтардин на хаз.

Файзи маъни бўлмаса суратга бўлмас эътибор,  
Накш то туфрогдир бошинда афсардин на хаз.

Шавкидин парвона бўл, хуффош бир ул беканот,  
Бемухаббат мокиёнга бол ила пардин на хаз.

Хизрдек дил зинда бўл, умри абаддин комёб,  
Жони йўк оинага мулки Сикандардин на хаз.

Эй Хумулий, риш ила дастори мўйи пахтадур,  
Жавхари марди керакдур бу кару фардин на хаз.

\* \* \*

Баски кечди ёр хажридин манга айём талх,  
Огзима олсам шакар хосил килурман ком талх,

То каро кўзлик нигорим килмади аччиг нигох,  
Килмадим маълумким эрмиш каро бодом талх.

Захр бўлса хум аро жоним ажаб эрмаски ёр,  
Гайрдин ибром аччиг, ёрдин инъом талх.

Одат ўлмишдур манга хажр ичра захр ошомлиг,  
Хони васл ўлса муяссар айлагум ибром талх.

Бўлса аччиг зиндагоним не ажаб чунким манга,  
Бир куёш хижронидин чарх ичтурур хар шом талх.

То чучуклигдин дам урди лабларинг, эй мугбача,  
Рашкдин килди мизожин бодаи гулфом талх.

Эй Хумулий, ринду расволиг эрур кайфиятим,  
Душманимдур воизутаклифи нангу ном талх.

\* \* \*

Оразу лаълу кадинг ошуби бирлан богбон,  
Гунчаи боглиг гули ошуфтау сарви равон.

Сафшиканлиг, сандину хўблардин хўб эмас,  
Кимдадур бу кошу кўзким, сендадур, эй шах камон.

То халойик шаккари хаттингга мафтун бўлдилар,  
Бўлди тасбеҳи малоик еру кўкдин алъамон.

Эл паридин телба, ман сандин килиб акл иктисоб,  
Ишк файзин кўрки, суд ўлмиш манга айни зиён.

Икки уйкулиг кўзунгдин бир кўнгул осуда йўк,  
Ул икки юзи кароў ул икки ўгри ноимон.

Ростлигда коматинг откан ўкунгдек дйлнишин,  
Эгрилигда кокулунг печу хама афъи нишон.

Наргисинг айнул хаётедурки мужгон сабзаси,  
Ё мижанг милу кўзунг ахли назарга сурмадон.

Эй Хумулий, бошим ул гесуни савдохонаси,  
Икки ёш оккан кўзум ул уйга икки новдон.